

Кунлардан бир куни подшо вазирга:

— Менга дунёда энг яхши гўшздан кабоб килиб келтиринг, — дебди.

Вазир боши котиб уйига келибди, «энг яхши гўшт кайси молнинг гўшти экан?»—деб роса ўйлабди. У хуноб бўлиб ўтирган экан, кизи:

— Отажон, нимадан хафасиз, ёки подшодан ёмонрок гап эшитдингизми? — деб сўрабди.

— Кизим, подшо менга, энг яхши гўшздан кабоб буюрдилар, ниманинг гўшти яхши ва ширин эканлигини билмай бошим котиб турибди, — дебди вазир.

— Шунга хам ота гўри козихонами? Битта кўйни сўйдилинг-да, тилини кабоб килиб олиб боринг, гунохкор килса мен кафил, — дебди кизи.

Вазир кизининг гапи билаи бир кўйни сўйдириб унинг тилини кабоб килиб, подшонинг олдига киритган экан, подшо вазирга караб:

— Энди энг ёмон гўшздан кабоб килиб келтиринг, — дебди.

Вазир яна кизининг олдига келиб:

— Кизим, яхсисини килдик, кутулдик, ёмони кайси гўшт? — дебди. Кизи:

— Яна бир кўйни сўйдилинг-да, тилини кабоб килиб олиб боринг, — дебди.

Вазир яна шундай килиб подшонинг олдига киритган экан, подшо айтибди:

— Килган ишингиз жойида, бу сизнинг яхши билимдон эканлигингиздан далолат беради, — деса, вазир:

— Таксир, гунохимдан ўтсангиз тўгрисини айтай, — дебди ва подшога бу ишни кимнинг акли билан килганини айтибди. Шунда подшо вазирнинг кизини чакириб:

— Кизим, нима учун тилни хам ёмон, хам яхши гўштларга санадингиз? — дебди. Шунда киз:

— Подшохим, кизининг бошига яхшилиқ хам, ёмонлик хам тилдан келади. Элда бир макол бор: «Тиш тилнинг калъаси, тил бошнинг балоси». Бу гапни эшитиб подшо вазирнинг кизига ажойиб бир бог инъом этган экан.